

Иорданияда имо-ишора тилидаги Қуръон тарқатилди



14:05 / 20.12.2018 1812

Иорданиянинг “Қуръони каримни сақлаш” жамияти томонидан ўтказилган тадбирда эшитиш қобилияти чекланган кишилар учун Аллоҳ каломининг имо-ишора тилида яратилган нусхалари тарқатилди, деб хабар беради factjo.com сайти.

Жамият раҳбари Шайх Содиқ Муятаҳнинг айтишича, эшитиш қобилияти чекланган инсонларга Аллоҳ каломини ўрганишлари учун ҳар қандай ёрдамни бериш лозим. Шу мақсад йўлида Қувайтнинг хайрия ташкилотидан олинган имо-ишора тилидаги Қуръонлар ўз эгаларига топширилди.

Islom.uz портали таҳририяти